

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРНИ ИЛМ-ФАН ВА САНОАТГА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ — ИСЛОҲОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 май куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Талабалар шаҳарчасига борди. Бу ерда ҳар йили минглаб ёш мутахассис ҳаётга йўланма олади.

Жорий йилда Талабалар шаҳарчасида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йўл ва йўлақлар таъмирланиб, ёритиш устунлари, ўриндиқлар ўрнатилди, 400 ўринли автотураргоҳ қурилди. Худудга кўп йиллик ва мавсумий гуллар, манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Бугунги кунда Талабалар шаҳарчасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Маънавият ва маърифат маркази бинолари, коллеж ва лицейлар, спорт мажмуалари жойлашган. Икки университетда қарийб 25 минг талаба тахсил олади.

Президентимиз ташаббуси билан шаҳарча худудининг бошланишида, "Беруний" метро бекати ёнида Беруний майдони барпо этилди. Абу Райхон Берунийнинг Техника университети олдига ҳайкали шу ерга кўчирилиб, атрофи ободонлаштирилди. Булар ўзига хос мажмуа ҳосил қилиб, Талабалар шаҳарчаси илмий салоҳиятини яна бир рамзи бўлди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда олиб борилган ишларни кўздан кечирди. Аллома ҳайкалининг Талабалар шаҳарчаси остонасига қўйилиши мамлакатимизда илм-фанга қаратилаётган эътибор рамзи бўлиб, бугунги ёшларда улуг аждодлар билан фахрланиш туйғусини кучайтиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Президентимиз 2017 йил 2 декабрь куни Инновацион ривожланиш вазирлиги биноси қурилиши билан танишиб, мамлакатимизда етакчи соҳа ва тармоқлари ривожлантириш, иннова-

цион ғоя ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берган эди. Бугунги кунда бу борада изчил ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлик илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг истиқболли йўналишларини аниқлаш, хорижий етакчи илмий-тадқиқот муассасалари билан ихтисослашган илмий-экспериментал лабораториялар, технопарклар ва бошқа инновацион тузилмалар ташкил этиш, замонавий илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш юзасидан тизимли чора-тадбирларни кўрмоқда.

Вазирликда иктисодиёт тармоқларининг инновацион эҳтижларини ўрганиш, ёшлар инновацион ғояларини қўллаб-қувватлаш хизматлари, масофавий таълим курслари йўлга қўйилди. Янги ишланма ва технологиялар намойиши, стартап лойиҳалар иқтидорли ёшларда илмий-тадқиқот кўникмаларини шакллантиришда ёрдам беради.

Бинонинг биринчи қаватида кутубхона, амфитеатр, холл, кўрғазмалар зали жойлашади. Юқори қаватларда корворкинг ва стартап худудлар, интернет лабораториялар, анжуманлар заллари бўлади. Аэрокосмик лаборатория, ус-тахона, реклама агентлиги ҳам ташкил этилади.

Вазирликни бежиз Талабалар шаҳарчасига жойлаштирмадик. Бу ердаги олий ўқув юртлирида минглаб иқтидорли ёшлар, тадқиқотчилар, олимлар илмий иш билан машғул. Уларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаб, ҳар бир соҳада янгилик яратиш керак. Инновацион ривожланиш вазирлиги бу борада илмий марказ, база бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Вазирлик боғининг дизайни ҳам янги асосда ишлаб чиқилган бўлиб, бу ерга келганлар миниатюралар инновациялар билан танишиш имконига эга бўлади. Боққа интернет тармоғига эга ўриндиқлар, қуёш панелли ёриткичлар, ҳаво тозалаш устунлари, мобиль ус-наларни қувватловчи қурилмалар ўрнатилади, брусчаткали йўлақлар тунда ўзини ўзи ёритади.

Шу ерда вазирлик ва Жараёнларни

автоматлаштириш миллий ассоциацияси — NAPA томонидан хорижий марказлар билан ҳамкорликда ташкил этилиши режалаштирилган инновацион технопарк тақдими бўлиб ўтди.

Ушбу технопаркда ахборот-коммуникация технологияларини ўрганаётган ва бу соҳада ишлаётганлар учун инновацион ғояларини илгари суриш имкониятларини кенгайтириш мақсадида мақбул муҳит ва инфратузилма яратилади.

Янги технологиялар яратиш ва трансфер қилиш учун вазирликка кўмачки сифатида "NAPA Team" масъуляти чекланган жамияти ташкил этилмоқда. Ушбу корхона инновацион ғояларни пишитиб, уларни стартап маҳсулотга айлантиради ва келгусида мамлакатимиз иқтисодиётига йўналиш беради. Хисоб-китобларга кўра, ушбу фаолиятдан йилга 1 миллион долларлик экспорт даромади кўриш кўзда тутилмоқда.

Президентимиз инновацион ғоялар ўз-ўзидан ишлаб чиқаришга етиб бормаслигини, бунинг учун маблағ, харидор топиш зарурлигини таъкидлади. Хитойнинг "Huawei" компанияси билан ҳамкорликда тажрибадан ўтган инновацияларни жалб этиш, хорижда иш юрилтадиган салоҳиятли тадқиқотчиларни чакриш ва уларни қўллаб-қувватлаш бўйича зарур топшириқлар берди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Президентимиз олий таълим соҳасини янада ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш бўйича амалга оширилиши режалаштириладиган лойиҳалар, мазкур олий таълим даргоҳини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар тақдими билан танишди.

Кадрлар тайёрлаш соҳалари таркибий тузилиши лойиҳасида ёшларни олий ўқув юртлирига янада кўпроқ қамраб олиш бўйича батафсил маълумот берилди. 2018-2019 ўқув йилида мамлакатимиз олий ўқув юртлирига 96 минг 950 талаба қабул қилинган бўлса, 2019-2020 ўқув йилида 123 минг 170 нафар

йигит-қиз ўқишга жалб этилади. Бу кўрсаткичи 2022-2023 ўқув йилида 180 мингтага етказиш режалаштирилган.

Олий таълимга инновация инвестицияларини — хорижий таълим-илм технологияларини жалб этиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йилда юртимизда Россиянинг 2, Жанубий Кореянинг 2, Латвиянинг 1 олий таълим муассасаси филиаллари ташкил этилди. Жорий йилда Ҳиндистоннинг 2, Россиянинг 2 ва АҚШнинг 1 олий таълим муассасаси филиали талабаларни қабул қилади. Улардаги таълим жараёнига 832 нафар хорижий мутахассис жалб этилган.

Президентимизга муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш, таълим мазмунини компетенциялар (амалий кўникмалар) асосида тубдан ўзгариштириш, педагогик таълимнинг янги моделини жорий этиш, олий таълим муассасалари фаолиятини "Университет — 3.0" концепцияси асосида ташкил этиш, АКТ ва таълим технологиялари интеграциясини таъминлаш лойиҳалари бўйича маълумот берилди.

Бизга сон эмас, сифат керак. Бунга эришиш учун эса хориж тажрибасини яхшилаб ўрганиш зарур. Қайси давлат кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратса, ўша ютади. Илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш энг муҳим вазифамиздир, деди давлатимиз раҳбари.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий-педагогик фаолияти ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид режалар тақдими ҳам ўтказилди. Беш йиллик комплекс дастур ишлаб чиқиб, университет фаолиятини ривожлантириш ва унинг халқаро рейтингларда нуносиб ўрин эгаллашнинг таъминлаш бўйича топшириқлар берилди. Университет хузуридаги лицейни таълим ва аниқ фанларга ихтисослаштириш, етуқ мутахассисларга эҳтиж ортди бораётганини инобатга олиб, янги факультетлар ташкил этиш заруриги таъкидланди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Маълумки, шартнома — икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувидир. Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин ҳисобланадилар.

Фуқаролик қонунчилиги

Шартнома ижроси билан кучли шу боис томонлар унга алоҳида масъулият билан қараши талаб этилади



Масалан, олди-сотди шартномаси бўйича бир тараф, яъни сотувчи товарни бошқа тарафга — сотиб олувчига мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади. Сотиб олувчи эса, бу товарни қабул қилиш ва унинг учун белгиланган баҳодаги пулни тўлашга мажбур.

Бугунги кунда олди-сотди шартномасига оид кўплаб низо-

лар судларда кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилмоқда. Бу жараёнда олди-сотди шартномасини расмийлаштиришда шартнома тарафлари келишувига ва қонунда белгиланган талабларга қатъий амал қилмаганликлари аниқланмоқда. Оқибатда улар ўртасида низолаб келиб чиқмоқда.

(Давоми 4-бетда) ▶

Жиноят ва жазо

Сохта кўршапалак уяси шов-шувли фирибгарликка сабаб бўлди

Жорий йил май ойининг бошида ижтимоий тармоқлар ва "Севимли" телеканалнинг "ZAMON" ахборот дастури орқали сохта кўршапалак уясини катта миқдордаги хорижий валютага сотган фирибгарнинг қилмишлари хусусидаги хабар тарқалган эди.

Хўш, аслида бу жиноий қилмиш қандай рўй берган эди? (Давоми 4-бетда) ▶

Қонунчиликдаги янгиликлар асосида Олий суд Пленуми қарорлари қабул қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлди.



Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган мажлисда судьялар, парламент аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий суд раиси К.Комиллов мажлисини очар экан, суд-ҳуқуқ тизимини амалга ошириладиган ислохотларга тўхталиб ўтди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш бўйича замонавий имкониятлар яратилиши ишлар самарадорлигини ошираётганини таъкидлади.

Суд тизимидаги замонавий талаблар эса, қонунчилик базасини такомиллаштиришни тақозо этди. Шу нуқтаи назардан Фуқаролик, Иқтисодий процессуал кодекслар қабул қилинди. Ушбу кодекслар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини янги механизмлар орқали ҳимоя қилиш, судлар фаолияти шарафлиги ва очиклигини таъминлашда ўта муҳим ўрин тутмоқда.

Ўз навбатида, янги кодексларнинг қабул қилиниши Олий суд Пленумининг бу борадаги қарорларини янги таҳрирда қабул қилиниши тақозо этди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Сайёр учрашув

Юзма-юз мулоқотлар самараси

Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида судлар томонидан халқнинг ишончини қозониш, одамларни қийнаётган муаммоларни чуқур ўрганиб жойида ҳал этиш мақсадида сайёр қабуллар ўтказилмоқда. Бу, ўз навбатида, жойларда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ҳам муҳим омил бўлмоқда.



Куни кеча Зангиота туманида Тошкент вилояти судлари раислари билан аҳолининг очик мулоқоти ташкил этилди.

"Токзор" маҳалласи худудида жойлашган Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 3-сонли академик лицейда ўтган учра-

шувда жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича вилоят ва туман судлари раислари ҳамда маҳалла вакиллари, жамоатчилик фаоллари иштирок этди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида" ги қонунига киритилган ўзгаришлар келгусида судлар фаолиятини янада такомиллаштиради.

Янги қонун моҳияти

Суд органлари фаолияти янада такомиллашади

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган асосий вазифаларни ижросини таъминлаш, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қамолатларини янада мустақамлашга қаратилганлиги билан эътиборга молик.

Маълумки, 2017 йил 31 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида" ги Конституциявий қонунда Конституциявий суд ваколатлари кенгайтирилиб, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган муножаатни кўриб чиқиши белгилаб қўйилган. Бироқ бундай ишлар Конституциявий судга қандай тартибда киритилиши ва буни киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектнинг ҳуқуқлари тегишли қонунларда тартибга солинмаган эди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ҳар бир давлатнинг дунёда тутган ўрни ва нуфузи, аввало, интеллектуал салоҳияти ва унинг натижаларига қараб белгиланади. Бундай бойликни эса, нафақат муттасил яратиш ва ижтимоий муносабатларга кенг таътиқ этиб бориб, балки ишончи муҳофаза қилиш ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Янги қонун: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгариш киритилди

Бу ҳақда фикр юритганда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва ҳаётимизнинг барча соҳаларига чуқур таътиқ этиладиган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг долзарб аҳамиятини алоҳида қайд этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу дастурий ҳужжатда интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини янада такомиллаштириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш мақсадлари кўзда тутилган.



Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида Президентимиз томонидан 2019 йил 8 февралда "Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-

да" ги қарор имзоланди. Унда мазкур соҳадаги ислохотларнинг давомийлиги эътироф этилиб, ўз ўрнида соҳа ривожини бўйича янги истиқболли режалар белгилаб берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги Адлия вазирлиги тизимига ўтказилди. Ушбу таъкилот эндиликда "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги", деб номланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Жиноятга жазо муқаррап

Нафс қутқуси

Оқ халатга қора доғ тушириб, ўзаро ишончни йўқотати

Ҳаётда ўзгаларнинг ҳақиқа кўз олайтирган, бу билан ҳам кифояланмай унга чанг солганларнинг косаси оқаргани ёхуд бундай қилмишнинг жазосиз қолганига ҳеч ким гувоҳ бўлмаган.

Яқинда жиноят ишлари бўйича Ҳазорасп тумани суди ана шундай қилмишларни содир этган икки нафар фуқаронинг айблов ишини кўриб чиқди.

...Шифокорлик — энг муътабар, ардоқли касбларнинг бири саналади. Бу заминда ушбу касб соҳибларига ҳурмат назари билан қарамаган кишини топиш амри маҳол. Ўз навбатида, кадр-қиммати бил-

ган одам ушбу амалда ўзини хор-у афгор этмайди, мададталаб инсонларнинг дардманд, шақастманд жисму жонига маъри билан қарамаган кишини топиш амри маҳол. Ўз навбатида, кадр-қиммати бил-

(Давоми 2-бетда) ▶

Янги қонун моҳияти**Суд органлари фаолияти янада такомиллашади****◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Қоридан номи қайд этилган қонун билан Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди ва ушбу Қонуннинг "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ваколатлари" деб номланган 17-моддаси иккинчи қисми учинчи хатбоши билан тўлдирилиб, унда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланганиш лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиш" Олий суд Пленуми ваколатига берилди. Ушбу тақдимнома Олий суд Пленумига Олий суд раиси томонидан киритилди. Шунинг учун амалдаги "Судлар тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасидаги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ваколати, тегишли тартибда "қонунларни шартлаб беришни талаб этувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига тақдимномалар киритилди;

Олий суднинг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига судлар ташаббуси билан киритилган мурожаати ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми кўриб чиқиши учун тақдимнома киритилди" деган жумла билан тўлдирилмоқда.

Албатта, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунига киритил-

ган ушбу ўзгариш ва қўшимчалар келгусида судлар фаолиятини янада такомиллаштирилишига ва улар томонидан тўғри қарор қабул қилишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамият, десак муболага бўлмайди. Чунки амалиётда судлар томонидан муайян ишлар кўриб чиқилаётганда турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишга зарурат пайдо бўлади ва ўрганиш якуни бўйича муайян иш юзасидан суд ажрини ёки қарорини чиқариши зарур.

Тасаввур қилинг, масалан, муайян ишга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат, эҳтимом у қонунлар бўладими, ҳуқумат ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларини ёки Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларини, агар улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ бўлмаса, судья томонидан унга асосан чиқарган қарор қонунга зид бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам судья қарор қабул қилишда муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатни конституцияга мувофиқ эсан деган шубҳага борса, бу масalani кўриб чиқишни Конституциявий судга киритишни сўраб Олий суд раисига мурожаат қилиши керак бўлади. Бунинг тартиб-таомиллари эса, тегишлича амалдаги қонунда ўз аксини топмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонунига киритилган ўзгаришлар келгусида судлар фаолиятини янада такомиллаштирилишига ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди
котибияти мудирин, юридик
фанлар номзодин

Сайёр учрашув**Юзма-юз мулоқотлар самараси****◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Тадбирда вилоят суди расислари жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар борасида атрофлича маълумот берилди.

Статистик маълумотларга кўра, "Токзор" маҳалласида жорий йилнинг ўтган даврида биронта ҳам жиноят содир этилмаган. Шу даврда вилоятдаги 86 та маҳалладан 18 таида, яъни 20,9 фоизида умуман жиноят содир этилмаган. Шу билан бирга, 24 та маҳаллада жиноятчилик кўрсаткичлари ошган. Учрашувда туманда содир этилган жиноятлар сабаблари атрофлича таҳлил қилинди.

Жорий йилнинг ўтган тўрт ой давомида жиноят ишлари бўйича Зангиота туман суди томонидан 138 та иш кўриб, таомланган. Бунда 24 нафар аёл, 82 нафар ёшларга нисбатан жиноят ишлар кўрилган бўлса-да, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ёшлар иттифоқи бўлими уларга кафолат хатлари бермаган.

Мулоқот давомида айтиш шуниси масалани алоҳида эътибор қаратилди. Туман аҳолиси орасида профилактика ишларнинг етарли эмаслиги ва жиноятчиликни жийовлаш борасида жамоат ташкилотларининг фаолиятини ошириш зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, тадбирда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка нисбатан мурасисизлик кайфиятини шакллантириш зарурати ҳақида ҳам сўз борди. Бугунги кунда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга учун аввало нималарга эътибор қаратиш зарурлиги атрофлича тушунтириб берилди. Тадбирда сўзга чиққанлар суд-ҳуқуқ тизимига амалга оширилаётган исчилохотлар одил судловнинг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Бунда, айниқса, фуқароларнинг суд органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида ўтган қисқа вақт ичида эришилган юксак натижалар эътиборга этилди.

Мулоқотда, шунингдек, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, кенг жамоатчилик иштирокида жойларда жиноятларни фож этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишлар давомийликда, фаол йўлга қўйилиши туманда содир этилаётган жиноятларнинг камайишида муҳим ўрин тутуши таъкидланди. Вилоят судлари расислари фуқаролар томонидан берилган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Учрашув доирасида оила ва никоҳ муносабатларига бағишланган фильм намойиш этилди.

Жонибек ТАНГМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Тошкент вилояти судининг
деканони

ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРНИ ИЛМ-ҒАН ВА САНОАТГА КЕНГ ТАТБИҚ ЭТИШ — ИСЛОХОТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИНГ БОШ МЕЗОНИ**◀ (Бошланиши 1-бетда)**

Ўзбекистон Миллий университети кутубхонасида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари ҳақида сўз борди.

Мамлакатимизни инновацион ривожлантириш, 2030 йилга қадар Глобал инновация индексида илгор 50 мамлакат каторидан жой эгаллаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Бунинг учун, энг аввало, илм-фан соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида "Ған тўғрисида" қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қолаверса, ўтган қисқа давр мобайнида илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Натижада инновацион ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича қиймати 151 миллиард сўмлик 55 лойиҳадан амалга ошириш учун қулай замин яратилди. Фанлар академиясининг Умумий ва ноорганик кимё институти томонидан замонавий илм-фан ютуқлари асосида ишлаб чиқилган оддий суперфосфат ҳамда маҳаллий ҳомашёдан фаоллаштирилган кўмир олиш технологияси шулар жумласидандир. Ўсимлик моддалари кимё институтининг "Ферулен" ва "Фланорин" препаратлари, Биоорганик кимё институтида "Рутан" дори воситаси субстанцияси, Ядро физикаси институти олимлари томонидан яратилган сувни кимёвий тозалаш ускунаси ҳам бунга яққол мисолдир.

Бу ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида 450 ишланма ва 90 та тармоқ муаммолари ечимларини қамраб олган "Бюролма-тадқиқотчи-инвестор" махсус портали ишга туширилиб, тижорат банклари билан 19 янги стартап корхона ташкил этилган.

Буларнинг барчаси импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришга шароит яратмоқда. Такрор ва такрор таъкидлаш жоиз: янги фикр ва янги фойга, инновацияга таянган давлат ҳар доим ютади ва ривожланади. Шунинг учун, биринчидан, импорт ўрнини босадиган ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган илмий ишланмаларни кўпайтириш керак. Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса ушбу ишланмалар маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарни қизқитириши ва харидоригир бўлиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимизнинг келаси йилдан илмий муассасаларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш тақлифи олимлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

Учрашувда археология соҳасини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон археологлари томонидан сўғдий ҳукмдорлар қароргоҳи харобалари бўлган "Кофирқалъа" ёдгорлигида ёғоч панно — сўғд санъатининг ноёб намунаси, Фарғона vodiysидаги Ахсикентда Х асрда пишк гишдан туннель шаклида қурилган ер ости сув таъминоти тизими топилгани юртимиз тарихи нақадар буюк эканидан далолат бериши эътиборга этилди. Мутасаддиларга археологияни ривожлантириш бўйича алоҳида давлат дастурини қабул қилиш юз-

асидан топшириқ берилди.

Термит ҳашироти асосан целлюлоза, яъни ёғочни кериб, аҳоли турар жойлари, маданий-тарихий обидалар, стратегик аҳамиятга эга объектлар, бино ва иншоотларга жиддий зарар етказди. Зоология институтига термитларга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган изланишларни янада такомиллаштириш тўғрисида кўрсатмалар берилди.

Изланувчан олимларни рағбатлантириш мақсадида илмий ишланма яратган тадқиқотчи докторлик ва уни амалиётга татбиқ этган изланувчига таянч докторлик илмий даражасини берадиган бинар (иккиталик) ҳимоя тизимини жорий қилиш, бюджет маблағлари ҳисобидан стажёр-тадқиқотчилар институтини ҳамда юртимиз биологик хилма-хиллигини ўрганадиган дала-тажриба станциялари ташкил этиш тавсия қилинди.

Кейинги йилларда илм-фан ва таълим соҳаси ҳодимлари изчил рағбатлантириш келиммоқда. Илмий ҳодимларнинг маоши ўтган йил 1 сентябрдан ўртача 25, жорий йил 1 январдан 20 фоиз оширилган эди, 1 июлдан эса яна 25 фоиз кўтариладиган бўлди. Президентимиз ушбу амалий чораларнинг мантикий давоми сифатида жорий йил 1 сентябрдан барча давлат таъкилотларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланаётган, таълим ва илм-фан соҳасида меҳнат қилаётган фан номзодларининг маошига 30 фоиз, фан докторлари учун эса 60 фоиз устима ҳақи белгиланиши тақлиф қилди.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурда ташкил этиладиган Ёшлар академияси ҳам илм-фан вакилларини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Ушбу академияга инновацион фикрлайдиган иқтидорли талабалар ва 40 ёшгача бўлган олимлар, ташаббускор ёшлар аъзо бўлади. Академияда сунъий интелект, қайта тикланадиган энергия манбалари, робот техникаси ва механика, фармацевтика, биотехнология, дастурлаш, саноят дизайни, 3D моделлаштириш каби йўналишларда илмий ишлар олиб борилади.

Президентимиз ва Вазирлар Маҳкамасининг олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш жараёнини янада жадаллаштириш бўйича қарорлар ва "йўл харитаси" тасдиқланган. Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида олий таълим муассасаларининг йирик ишлаб чиқариш корхоналари, давлат таъкилотлари, тадбиркорлик субъектлари, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Натижада ташкилот ва корхоналарнинг 4 миңдан ортиқ малакали амалиётчи-мутохассислари олий ўқув юртлирининг таълим жараёнига жалб этилган.

Шунингдек, кейинги 2 йил давомидаги халқаро ҳамкорлик натижасида мамлакатимизда янги олий таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди, 30 дан ортиқ ўқув юртида хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликка кадрлар тайёрланмоқда.

Олий таълим тизимини замонавий усуллар ёрдамида самарали бошқариш, соҳада моддий-техник базани кучайтириш, ўқув-методик ишларни такомиллаштириш бўйича жиддий чоралар кўришимиз зарур. Иқтисодий тармоқларининг реал эҳтиёждан келиб чиқиб, олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегиясини белгилаш, давлат таълим стандартлари ва

малака талабларини қайта ишлаб чиқиш, талабаларнинг малакавий амалиётини самарали ташкил этиш лозим, деди Президент.

Учрашувда педагог кадрлар малакасини ошириш ва уларни табақалаштирган ҳолда рағбатлантириш тизимини жорий этиш ҳақида ҳам сўз юритилди. Олий таълим вазирлиги магистратура талабаларини Фанлар академиясининг мос йўналишдаги илмий-тадқиқот институтларида стажировка ўташни йўлга қўйиш, таълим фанлар ва муҳандислик йўналишларидаги магистратура талабаларини бюджет ҳисобидан давлат буюртмаси асосида тайёрлашни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўқазиладиган фан олимпиадалари тизимини такомиллаштириш, голибларни муносиб тақдирлаш ва рағбатлантириш, хусусан, мамлакат миқёсидаги голибларни тегишли мутохассисликлар бўйича магистратурага, халқаро олимпиадада голибларини эса кейинчалик докторантурага ҳам синовсиз қабул қилиш чораларини кўриш белгиланди. Молиявий барқарор олий ўқув юртиларини ўзини ўзи молиялаштириш тизимига босқичма-босқич ўтказиш лозимлиги қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Учрашувда академиклар, олий ўқув юртли ректорлари ва талаба ёшлар сўзга чиқиб, таълим тизимига амалга оширилаётган ислохотлар, мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўзбекистон Миллий университети математика факультети 4-босқич талабаси Сардор Бозорбоев ёшлар учун яратилган имкониятдан кенг фойдаланиш зарурлигини таъкидлаб, талаба ва ўқувчилар фан олимпиадалари ўтказиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган эътибордан мамнун эканлигини билдирди.

Сардор математика бўйича ўтказилган халқаро олимпиадаларда 4 олтин, биттадан қумуш ва бронза медалини қўлга киритган.

— Таълим тизимига эътибор самарасини ёшларимиз турли танлов ва халқаро олимпиадаларда қўлга киритаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин, — деди С.Бозорбоев. — Биз, ёшлар яратилган имконият ва имтиёزلардан умумий фойдаланиб, юртимиз довуғини янада юксалтиришимиз, улуг алломиларнинг муносиб ворислари эканимизни исботлаймиз.

Президентимиз Сардор каби изланувчан, зукко, билимдон ёшлар юртимиз келажаги эканини таъкидлаб, унга автомашина совға қилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбарининг топширигига асосан Тошкент шаҳри худудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси, канал ва коллекторлар соҳилларида ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш ва худудларни ободонлаштириш юзасидан "йўл харитаси" тасдиқланган.

Президентимиз 2018 йил 9 февраль кунини Олмазор туманида бўлиб, каналлар бўйини ободонлаштириш, аҳолининг дам олиши учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Бугун бу ерда кўркам маданият ва маърифат маскани бунёд бўлди. "Да-

маши" каналининг 2,5 километр қисми қирғоқлари бетонлаштирилиб, "Сой бўйи" сайилгоҳи барпо этилди.

Канал қирғоғи 7 лотга бўлиниб, уларда тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳам ресторонлар, дам олиш масканлари, коворкинг маркази, фитнес клуби ва бошқа бир қатор объектлар ҳамда жаҳонга машҳур Эйфель ва Пиза миноралари, Минораи калон, Лувр пирамидаси ва бошқа шунга ўхшаш объектлар макетлари барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари коворкинг маркази ва ундаги тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир пайлар бу ерлар қандай ташландиқ жой эди. Ҳаммамиз шундай яшаб ўрганиб қолган эдик. Бир йил ичида қилинган ишлар самарасини кўриб турибмиз. Ободлик бор жойда кут-барака бўлади. Бу ер нафақат хордиқ чиқарадиган жой, балки маънавият ва маърифат масканига ҳам айланади, деди Шавкат Мирзиёев.

Ободонлаштириш ишлари бўйича буюртмачи — Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси. Бош лойиҳачи — "Prime tower group" МЧЖ. Бош пудратчи сифатида эса "Inter building" МЖЧ иш олиб борди.

Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги кутубхоналар, Нурунийлар маскани, "Ёшлар меҳнат гузарини" ҳам аввалги ташрифнинг амалий натижаларидир. Кутубхона бой китоб фонди ва ахборот технологиялари билан таъминланган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан электрон тарзда болган.

Нурунийлар масканида фахрийлар ўз вақтини мазмунли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлаши учун барча шароит яратилган.

Давлатимиз раҳбари кутубхоналар ва Нурунийлар масканини кўздан кечирди. Маҳаллий аҳоли вакиллари, оқсоқоллар билан суҳбатлашди.

Шайхонтоҳур туманидан оқиб ўтувчи "Катта Калкауз" каналидан сув оладиغان "Дамашини" Олмазор туманининг Нурафшон кўчасидан бошланади. Унинг умумий узунлиги 7,36 километрни ташкил этади.

Президентимизга "Сой бўйи" сайилгоҳи ва худуд атрофидаги Олтинсой, Қичкириқ ва Тараққиёт маҳалларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари бу тизимни Тошкент шаҳрининг барча туманларида жорий қилиш, жиноятчиликнинг олдини олишда илм ва таҳлил асосида ишлаш зарурлигини таъкидлади.

Канал ва унинг атрофидаги худудуноқозодиғи ҳамда санитария ҳолати Тошкент шаҳар ва Олмазор тумани ҳокимликларининг махсус ишчи гуруҳи томонидан мунтазам назорат қилиб борилади. Хусусан, "Тоза канал" кампанияси тадбирлари бошлангандан шу кунга қадар қирғоқбўйи худудида 136 ноқонуний қурилмалар аниқланиб, уларнинг 133 таси бартараф этилди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Олмазор туманига аввалги ташрифи шундай хайрли натижага олиб келди. Ишонч билан айтиш мумкинки, галдаги ташриф чоғида белгиланган вазифалар, берилган топшириқлар янада янги фарраларни эгаллашга йўл очади.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Алоудин ҒАФФОРОВ,
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбирлари

Ғижоятга жазо муқаррар**Нафс**

қига кўз олайтирган қўйи амалга оширилган фирибгарликдан бўлак ҳеч нарса эмас. Табиики, тергов органи ҳам шундай хулосага келди. Рухий касалликлар шифокорининг қилмиши Жиноят кодексининг фирибгарликка тааллуқли 168-моддаси 3-қисми ва пара беришга уринишдан иборат 28-211-моддаси 1-қисми бўйича малакаланди. Қонуннинг қатий сўровига дун келган бошқа бир фуқаро, урганчлик Баҳром Рўзиданнинг қилмиши эса, ниқобланмаган ҳақиқий фирибгарнинг ўзгираси бўлиб чиқди.

Аммо бундай қора қилмишга кўл урган қимса ўзини фирибгар атамаслиги турган гап ва бундай дасталик айби инкор этилмади давлат асосида тасдиқланган Б.Рўзиматов ҳам пеш қилди. Айбини қисман тан олди. Қилмиши фирибга далолат қилса-да, ундан тонди. Ҳар икки сўзнинг бирида пулни қарзга олганини таъкидлади. Балки, чиндан ҳам, шундайдир.

Бироқ ҳарқалай, қарзининг

тариқа бошлади ва бу тез орада ўз натижасини кўрсатди. "Ов" бароридан келди. Ана шундай кунларнинг бирида фуқаро М.Матчинова унинг ҳузурига келди. Муддаоиси: қайнуқаси Ф.Рўзиматовни даставвал ақли заифлар, сўнгга эса, ногиронлар сафига қўшиб, чинакам нафақаҳурга айлантиришдан иборат экан.

"Шифокор" мижозига бу йўл қалтис ва боши берк эканлигини эслатмади, касб тақозо этган бурч ва мажбуриятларни унутди. Аксинча, мижозининг йўлига пешвоз чиқиб, ишининг қижим ва сарфру харажатларидан гап очди. Аллакимларга пора сифатида узатиш ҳақидаги дастакни пеш қилди. Рухий хасталиклар шифокорининг хизмат хонаси тез орада чинакам "савдо" майдонига айланди. Ш.Абдираимов ўзининг "камтарин хизмати" ва виллят Рухий касалликлар шифохонасидаги ҳамтовоқларига узатилажак поранинг қийматини 600 миңг сўм қилиб белгилади. Мижоз унинг тақлифига рози бўлди. Кейинчалик эса, у бунча маблағни қаердан топишни билмай боши қотди. Охир-оқибат эса, у йўлай-йўлай уй-

ига эмас, балки тегишли маҳкамага йўл олди. Бу ерда махсус куқунлар билан "зеб" берилган 600 миңг сўм М.Матчинованинг қўлига топширилди. У пулни қўлтиқлаганча, "хожатбарор шифокор" ҳузурига йўл олди. Бари хамирдан қил суғургандай осон ва силлиқ кенди. М.Матчинованин "беминнат тортиғи" Шуҳратбойнинг чап чўнтагидан жой олди.

Бу машъум воқеа ўтган йилнинг 1 декабрь кунини шифокор учун белгиланган иш соатлари поёнига етар чоғи рўй берди. Ш.Абдираимов ўша кунини оиласи бағрига қайтмади. Қинғир қадами уни тегишли ҳуқуқ тартиботи маҳкамаси томон етаклади.

Эслатмоқ ўрни: кўп тармоқли поликлиниканинг руҳий касалликлар шифокори масъул ёки мансабдор шахс саналайди. Демак, шифокор Ш.Абдираимов бирон-бир шахсга ногиронлик нафақаси белгилаш ваколатига эга эмас. "Пора" эса, шу ишининг тепасида турган, унинг пешини тутган қилмишга берилган ноҳалол луқма. Бундан кўринадиги, унинг қилмиши порадан холи ва одамларни алдаган, чув туширган, риз-

Фуқаролик қонунчилиги

Шартнома ижроси билан кучли

шу боис томонлар унга алоҳида масъулият билан қарashi талаб этилади

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Суд томонидан шартнома ҳақиқий эмас, деб топилганда тарафларнинг ҳар бири бошқасига шартнома бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши лозим. Агар олинган нарсани аслича қайтариб бериш имкони бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Бундан ташқари суд томонидан, шартнома баҳосидан келиб чиққан ҳолда, ноҳақ тарафдан давлат божини ундириш ҳам белгиланади.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят судлари томонидан 2018 йил ва 2019 йилнинг ўтган тўрт ойи давомида олди-сотди шартномасидан келиб чиққан низолар юзасидан 55 та фуқаролик иши кўрилган.

Шундан 25 таси бўйича даъво аризалари қаноатлангиларини, 21 таси бўйича даъво рад этилган, 4 та фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган ва 5 даъво аризаси кўрмасдан қолдирилган.

Мисол учун Валижон Тўхтаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) 2018 йил 19 апрелда Жиззах шаҳар, Алишер Навоий شوҳўчасидаги ўзига тегишли уйни Қодир Ҳасановга сотиши тўғрисида нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасини тўзган. Бунга унинг 2 нафар оила аъзолари ҳам розилик билдириб, ариза беришган.

Ушбу шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиб, Қ.Ҳасанов номига кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган. Аммо орадан 5 ой ўтишига қарамай, В.Тўхтаев сотган уйни бўшатиб бермаган. Охири-оқибат Қ.Ҳасанов уни уйдан мажбурий тартибда кўчириш тўғрисида судга мурожаат қилган.

Ўз навбатида, В.Тўхтаев олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги қарши даъво билан судга мурожаат қилган. У ўз аризасида хонадонни сотмаганини, балки олган қарзи эвазига гаровга қўйгани, бироқ олди-сотди шартномаси осон расмийлаштирилгани учун шундай шартнома тўзганини

асос қилиб келтирган.

Аммо судда В.Тўхтаевнинг бу борадаги вазифаси бирон-бир далил билан ўз исботини топмади. Аксинча, унинг икки нафар оила аъзоси уй сотилгач, бир ой ичида бўшатиб бериш ҳақида нотариал тасдиқланган ариза берганлар.

Ушбу ҳолат олди-сотди шартномасининг 8-бандида кўрсатилган. Алоҳида ёзма тилхатда ҳам В.Тўхтаев уйини сотгани ва бир ойда бўшатиб беришини қайд этган.

Шунингдек, шартноманинг 6-бандида томонлар уйни 80.000.000 сўмга баҳолагани, сотувчи ушбу пулни сотиб олувчидан тўлиқ олгани кўрсатилган. Ушбу бандни В.Тўхтаев ўз имзоси билан тасдиқлаган.

Судда гувоҳ Н.Тоҳировнинг томонлар ўртасида пул олди-бердиси бўлганини эшитмагани ҳақидаги кўрсатмаси ишончга сазовор эмас, деб топилди. Чунки Фуқаролик кодексининг 109-моддасида битимнинг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслиги олиб келмаслиги, бироқ низо чиққан тақдирда, тарафларни битим тузилгани, унинг мазмунини ёзиб қўйилганини гувоҳларнинг кўрсатувлари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиши белгиланган.

Шу сабабли суднинг ҳал қилув қарори билан В.Тўхтаев оила аъзолари билан низоли уйдан кўчирилди. Унинг олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисидаги қарши даъвоси рад этилди.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 112-моддаси 2-қисмига кўра, агар тарафлардан бири нотариал тасдиқлаш талаб қилинадиган битимни тўлиқ ёки қисман бажарган бўлса, иккинчи тараф эса, битимни нотариал расмийлаштиришдан бош тортса, суд битимни бажарган тарафининг талаби бўйича уни ҳақиқий деб ҳисоблашга ҳақлидир. Бу ҳолда битимни кейинчалик нотариал

расмийлаштириш талаб қилинмайди.

Амалиётда ушбу қонун талабига мувофиқ олди-сотди битимини ҳақиқий, деб топиш ҳақидаги даъво талаблари ҳам учрайди.

Масалан, Бобур Раҳимовнинг Сергей Антоновга нисбатан уй-жой олди-сотди битимини ҳақиқий, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга қилган мурожаати бунга яққол мисолдир.

Б.Раҳимов ўзининг даъво аризасида Дўстлик тумани, Дўстлик кўчасидаги уй-жойни жавобгардан 2001 йилда 900.000 сўмга сотиб олгани, жавобгар бу ҳақида тилхат ёзиб берганини маълум қилган. Шунингдек, у уч йил муддатга уйни сотиш ҳуқуқи билан ишончнома ҳам бергани, бироқ эътиборсизлиги сабабли уйни расмийлаштириб олмаганини, жавобгар оиласи билан чет давлатга кетгани ва ҳозир улар қарда эканини билмаслигини асос қилиб келтирган.

Суд томонидан аниқланишича, низоли уй 1993 йил 21 июндаги давлат ордерига асосан жавобгарнинг номига хусусийлаштирилган. Хусусийлаштиришда унинг турмуш ўртоғи ва қизи ҳам иштирок этган.

Шу сабабли улар ҳам низоли уй мулкдори ҳисобланади. Низоли уйнинг сотилишида эса, Фуқаролик кодексининг 225-моддаси талабига мувофиқ барча мулкдорларнинг розилиги олинмагани сабабли суднинг ҳал қилув қарори билан олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво аризаси рад этилди.

Аксинча, Юсуф Омонов жавобгар Дания Епашиқовга нисбатан олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат қилган. Ю.Омонов бунда Жиззах шаҳар, Ҳамид

Олимжон кўчасидаги уйни 1992 йилда жавобгардан гувоҳлар иштирокида 15.000 рублга сотиб олганини, жавобгар ундан пулни олиб қайтиб келганида уйни расмийлаштиришини билдирган ҳолда чет давлатга кетганини, шундан буён қайтиб келмагани, унинг ҳозир қарда эканини билмаслигини асос қилиб кўрсатган.

Судда аниқланишича, 1984 йил 15 августдаги олди-сотди шартномасига асосан низоли уй Д.Епашиқовга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган. Жавобгар низоли уйни 1992 йил 23 июлда давлоғарга 15.000 рублга гувоҳлар иштирокида сотган ҳамда бу ҳақида тарафлар ўртасида оддий ёзма шаклдаги тилхат тузилган.

Д.Епашиқовнинг бошқа шахс билан қонийни никоҳда турганини, судланганлиги, вафот этганини, руҳий касаллиги, қидирувда эканлиги, республика ҳудудидан чиққанини тўғрисидаги маълумотлар аниқланмаган. Суд-хатшунослик экспертизасининг 2018 йил 8 июндаги хулосасида низоли уйни сотганлиги ҳақидаги 1992 йил 23 июлдаги тилхатдаги имзо ҳамда ёзувлар Д.Епашиқовнинг ўзи томонидан бажарилганини қайд этилган.

Шунингдек, суд мажлисида сўралган гувоҳ К.Сайдуллаев низоли уй олди-сотдисидида иштирок этиб, тилхатга гувоҳ сифатида имзо қўйганини ҳақида тушунтириш берган. Ушбу ҳолатда суд Фуқаролик кодексининг 112-моддасига асосан олди-сотди битимини ҳақиқий деб топан.

Хулоса қилиб айтганда, мулк ҳуқуқининг бир шахсдан иккинчи шахсга ўтишида олди-сотди шартномаси ўта муҳим ўрин тутди.

Айниқса, уй-жой олди-сотди шартномасини тузишда унинг иштирокчилари қонун талабларига қатъий риоя этиши, ушбу шартномани ҳақиқий эмас деб топишга асос бўладиган ҳолатларни текшириб қўриши, тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажариши қатъий талаб этилади. Бу, ўз навбатида, келгусида низо келиб чиқиши ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Акрам ШУКУРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Жиззах вилояти судининг раиси

Ҳаётда шундай касблар мавжудки, уларга барча ҳамюртларимиз ҳатто бошқа касбу-қор соҳиблари ҳам ҳавас билан қарайди. Таржимонлик ана шулардан биридир. Негаки таржимон турли миллат вакиллари бир-бири билан боғлаб, дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди. Ёки бадиий асарлар ва бошқа маънавларни бир тилдан иккинчисига ўгириб, сизу бизга маърифат улашади.

Ғилмиш — қидирмиш

Таржимондан чиққан фирибгар

бешинчи маротаба қонуний жазога тортилди

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида яшаган Назира Толипова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам университетда хорижий тиллардан сабоқ бериш баробарида туризм соҳасида таржимон-экскурсовод вазифасида ишлаб, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, дугоналари ва таниш-билишлари орасида яхшигина обрў-эътибор қозонган.

Шунга яраша топиш-тутиши ҳам ёмон эмасди. Аммо ношуқарлик, топганига қаноат қилмаслик уни жиноят қўчасига етаклади.

Пировардида бундан 5 йил муқаддам — жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани судининг 2014 йил 11 августдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми (фирибгарлик) ва 28, 211-моддаси 1-қисми (пора беришга далолат қилиш); жиноят ишлари бўйича Шайхонтохур тумани судининг 2015 йил 12 ноябрдаги ҳукмига кўра, Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а"-банди (кўп миқдорда фирибгарлик) билан айбдор деб топилиб, қонуний жазога тортилди. Лекин орадан бир йил ўтиб, у яна аввалгидек кўп миқдорда фирибгарлик ва пора беришга далолат қилиш жиноятларини содир этди. Оқибада жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2017 йил 15 январдаги ҳукмига асосан қонуний жазо тайинланган, Н. Толипова амнистия актига асосан жазодан озод қилинди. Бироқ унинг сўқир қўзи барибир очилмайди. Натijaда Назира яна уша жиноятни такрорлайди. Шунга кўра, жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2017 йил 12 декабрдаги ҳукми билан бу гал аёл 3 йил муддатга таълим тизимида ишлаш ҳуқуқидан ҳамда 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига маҳкум қилинади.

Буни қаранглик, озодликдан маҳрум этилишидан олдин Назира Толипованинг 2015 йилда содир этган худди шундай жиноятни учун ҳам жиноят иши қўзғатилган экан. Тергов ва суд жараёнида маълум бўлишича, Н.Толипова 2015 йил октябрь ойида таниши Манзура Миралиева билан учрашиб қолади. Ҳол-аҳвол сўрашгач, у Манзуранинг ўзининг фириб тўрига илтиришига уринади.

— Уғлимнинг рўзғори тинчмас. Шунинг учун келишим мeroс талаб қилмасидан олдин уйлариمنى сотиб юбормоқчиман, — дейди у дардини дoston қилгандек бўлиб. — Ҳар ҳолда бегонага кетмасин, квартираларимни сиз бир кўрсангиз-чи?!

Дарҳақиқат, Назиранинг Шайхонтохур туманидаги маҳаллалардан бирида жойлашган 16-уйдаги 44 ва 45-хонадонни яшаш учун жуда қулай эди. Шу боис М.Миралиева кўп ўйланиб ўтирмасдан хонадонларга харидор бўлади. Ёшни иккала хонадон эвазига Н.Толиповани авалл 300 миллион сўм, кейинчалик яна 100 миллион сўм беради. Аммо Назира хонадонларни Манзуранинг номига расмийлаштириб беришини пайсалга солиб юраверди. Қолаверса, у М.Миралиевага турли ваз-қарсонларни айтишдан чарчамайди.

Шу тариха орадан икки ярим йилча вақт ўтди. Шунда Манзура охириги маротаба ҳам Назиранинг олдидан ўтиш учун қоронда тилга олинган 15-хонадонга боради. Лекин эшикни бутунлай бегона киши очди. — Назирахон бормилар?, — деб сўрайди М.Миралиева.



— Мен у аёлни танимайман. Бу уйни экинча Зилола исмли аёлдан сотиб олди, — дея жавоб беради хонадоннинг янги соҳиби.

Бу гапни эшитиб, Манзуранинг ҳуши бошидан учди. Нега деганда, у айни уша лаҳзада Назира ўзини лақиллатиб келганини англаб етади. Шунинг учун уша кунийек уни қидириб топади.

— Уйдаги одам ижрачи. Пулнингизни бир ой ичида қайтаришга буюрди, — дейди Н.Толипова ва ҳаққикатан ҳам, Манзурадан 400 миллион сўм пул олгани ва пулни бир ой муддатда қайтариб бериши ҳақида тилхат ёзиб беради.

Бироқ Назира шундан сўнгра ҳам алдаб юраверади. Бинобарин, тоқати-тоқ бўлган Манзура унга қонуний чора қўриш ва пулни олиб қайтариб беришни сўраб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорлага мурожаат қилади. Оқибатда Н.Толиповага нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а"-банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Муғомбирликни қаранглик, фирибгар тергов жараёнида ҳам, суд мажлисида ҳам айбига иқроқ бўлмади.

— Тўрт юз миллион сўм уша пайтада ўттиз беш миң долларга тенг эди. Мен бу пулни қарзга олганман. Албатта, қайтараман, — дея у ўғли ва таниши Дурдона Зоҳидованинг гувоҳлигида ўзини оқлашга уринади.

Аммо бошқа гувоҳларнинг кўрсатмалари ва тергов жараёнида йилгилган далилларнинг важларини инкор қилди.

Жиноят кодексининг 59-моддасига асосан, агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан сўнгра маҳкумнинг ана шу бўйича чиқарилган ҳукмига қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам, жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшиб ҳисобланади. Шу боис суд жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани судининг 2017 йил 12 декабрдаги ҳукми билан тайинланган жазони ҳам қўшиб, Назира Толиповани 3 йил муддатга олий, ўрта-маҳсус ва халқ таълими муассасаларида ишлаш ҳамда 5 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳаётда олий маълумотли бўлиш, бунинг устига хорижий тилларни ўрганиб, таржимонлик сингари шарафли касб соҳибига айланиш ҳаммага ҳам nasib этилган омад ва бахтидир. Аммо "қарҳамон"имиз жамиятдаги ана шу маъқеини, мисоллаб йиққан обрўсини ўзининг гаразли қилмишлари билан йўққа чиқарди. Энг ачинарлиси, ҳамкасблари, маҳалла-қўй ва қуд-андалари олдида мулзам бўлишини, ҳатто ўзининг қилмишлари қачонлардир фарзандларнинг касбий муваффақиятларига раҳна солишини ўйламади. Зеро, аёл зоти учун бундан ортққ иснод бўлмаса керак.

Санжар МАХАМЕТОВ,

жнноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг судьяси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Келинг, жиноят иши тафсилотларидан аввал "қарҳамонимиз" — Кўқон шаҳрида истиқомат қилувчи 26 ёшли Шаҳзод Мирзаназаровнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) "сермазмун" ҳаёт йўлига бир назар ташласан. Албатта, "сермазмун" дейишимизнинг боиси бор.

Гап шундаки, Ш.Мирзаназаров сўнги 7 йил мобайнида, яъни 19 ёшидан буён 6 маротаба судланишга "улгурган". Энг ёмони, Шаҳзоднинг барча жиноятлари фирибгарликка бориб тақалади. Янада аниқроғи, у жиноят ишлари бўйича Кўқон шаҳар судининг 2012 йил 25 март, 2014 йил 16 апрель, 2016 йил 8 апрель ва 16 декабрь, 2017 йил 16 февраль ва 23 ноябрдаги ҳукмларига асосан Жиноят кодексининг 168-моддаси турли қисм ҳамда бандлари билан айбдор деб топилган.

Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 139-моддаси 3-қисми "а", "г"-бандлари, 28, 211-моддаси 2-қисми "а"-банди, 228-моддаси 2-қисми "б"-банди, 228-моддаси 3-қисми ҳамда 237-моддаси 2-қисми "а", "б", "в"-бандларида кўзда тутилган жиноятларни содир этгани учун қонуний жазоларга тортилган.

Айни жараёнларда Ш.Мирзаназаровга нисбатан бир маротаба амнистия акти қўлланилган. Қолаверса, тўғри йўлга тушиб, ҳаётини изга солиши учун 2 маротаба ахлоқ туза тиши иши жазоси тайинланган. Аммо у қилмишидан тегишли хулоса чиқармагани сабабли 2 маротаба турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган. Сўнги маротаба судланганда эса, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси муқаддатдан олдин енгилроғига — ахлоқ туза тиши иши жазосига алмаштирилган.

Шаҳзоднинг сўқир қўзи шунда ҳам очилмаган. Мана оқиба — унинг фирибгарликка ўрганган кўнгли еттинчи маротаба яна ўртаниб қолди.

Гап шундаки, 2018 йил август ойида қаёқдандир кўршапалак уйсининг саратон касаллигига шифо бўлиши, кўршапалак уйсига тилло буюмлар ёпишиши, саримсоқпийёздан эса, унинг

"қочиши" ҳақида эшитади-ю, Ш.Мирзаназаровнинг тинчи йўқолди. Тўғрироғи, унинг кўнглида кўршапалак уйсини ясаш ва мўмай пулга сотиш фикри пайдо бўлади.

Шу мақсадда дастлаб шарни қовун шаклида кичикроқ қилиб шишаради. Сўнгра шар атрофини цемент, оҳак, алебастер ва тупроқ аралашмаси билан суваб, қалинроқ қатлам ҳосил қилади. Ш.Мирзаназа-

ройиг кўршапалак уйсининг нархи 100.000 АҚШ доллар эканини айтиди.

Бу гап Ш.Мирзаназаровнинг ширин хаёллар уммонига фарқ этиб, жиноий режасини янада мустаҳкамлайди.

— Мен Учкўприқдан Фарҳодман, — дея ўзини таништириди "Телеграм" орқали боғланган гадаги харидор. — Иккаламиз учрашас бўладими? — Ҳа, албатта. Кўқонга кела-

нинг рақамига юборади. Видеотасвирини кўриб, кўршапалак уйсини сотиб олишга қарор қилган Дилмурод кўп ўтмай, Кўқон шаҳридаги "Файз" номили ошонхонаси ёнига Ш.Мирзаназаров билан учрашади.

Натижада у Шаҳзод билан савдолашиб, 4 дона кўршапалак уйсиндан биттасини 23 000 АҚШ долларига сотиб олишга келишади.

— Олдиндан беш миң доллар берасиз. Кейин тоққа бориб, уяни гордан узиб келаман, — деб шарт қўяди Ш.Мирзаназаров. Шу боис Д.Махмудов унга 5000 доллар санаб беради.

Эртаси куни Шаҳзод 5 литрли елим идишга солинган, атрофи ялтироқ қоғоз ва пахта увадаси билан ўралган "кўршапалак уяси"ни унга туқзади:

— Уянинг ичида "амри" деган суюқлик бўлади. Агар тезда ишлатилмаса, у бир суткада хусусиятини йўқотади, — дейди у.

Шундан сўнгра харидор унга яна 10 000 доллар беради. Қолган 8 000 долларини эса, кўршапалак уйсини киргизистонлик харидорга элтиб бергач, жўнатиб юборишини айтиди.

Бинобарин, "ови" бароридан келган фирибгар бу гапга ўйлаб ҳам ўтирмай рози бўлади. Кейин пойтахтга бориб, бир уйни ижарага олган ҳолда кайфу сафо қилишга тушиб кетади.

Шу билан бирга, пулнинг 6000 долларини оғайнилари Низомжон, Расулжон ва Шамсиддин Бойматовга тақсимлаб беради. Қолганини ҳам шахсий эҳтиёжларига ишлашга юборади.

Орадан икки ой ўтиб, Шаҳзод жиноий ҳаракатини яна давом эттиради. Фақат бу гал унга ўздан 7 ёш катта бўлган таниши Асрор Салимов шекар бўлади. Яъни 2018 йил 10 декабрь куни икковлон Қирғизистон фуқароси Акрам Худойшукров томонидан етказиб берилган 393 та тиббий қадоқдаги "LYRICA 300 мг № 14" дори воситасининг 121 та сини фуқаро Барно Юрсиновага 3 200 долларга сотаётган вақтида қўлга олинади. Пиро-



ров ана шу шаклни кўршапалак уяси, деб атайди.

"Уя"ни ясашда қоримша таркибига магнит бўлақларини ҳам майдалаб қўшиб юборади. Негаки, кўршапалак уйсига тилла буюмлар яқинлаштирилса, уни ўзига тортишига харидорни ишонтириши лозим эди. Қоримша қотгач, игна билан ичидаги шарни ёриб ташлайди.

Шундан сўнгра Шаҳзод сохта кўршапалак уйсига харидор излашга киришади. Ҳатто бу ҳақида ижтимоий тармоқлар орқали хабар тарқатади. Қолаверса, танишлари Низомжон Тешабоев ва Расулжон Гофуровдан ҳам ёрдам сўрайди:

— Харидор топиб берсанглар, сизларни ҳам қурак қўймайман, пулни ўртада бўлишамиз, — деб уларни ҳам ишонтиради.

Буни қаранглик, ижтимоий тармоқларда хабар тарқатгани учун тез орада кўршапалак уйсига қизикувчилар пайдо бўлади. Шундай кунларнинг бирида "Телеграм" ижтимоий тармоғи орқали унга алоқага чиққан қозғистонлик нотаниш бир

веринг, — деб учрашув манзилни тушунтиради Шаҳзод.

Фарҳод Эгамов Кўқонга — Ш.Мирзаназаров айтган жойга етиб келади.

— Андижонлик бир танишим Қирғизистондан харидор топибди. Фақат харидорга кўршапалак уйсининг видеосини жўнатишимиз керак. Кейин ишонади. Сизда видеоси борми, — деб сўрайди Ф.Эгамов.

— Уя Наманганнинг Поп туманида, тоғли жойда. У ёққа бориб келиш осон эмас. Харажати беришсанглар, тоққа бориб, телефонимга видеога олиб, сизларга юборишим мумкин.

Шаҳзод шундай дея Фарҳодни алдаб, ундан 300 АҚШ доллари олади. Бироқ тоғ сари кетиш ўрнига, тун ярмида Кўқон шаҳар Банди эшон кўчасидаги кўп қаватли 122-уйнинг ертўласига кириб, ўзи ясаган ва аввалдан осиб қўйган 4 дона сохта кўршапалак уйсини гўёки тоғда, ёр ичида видеотасвирга туширгандек уяли телефони хотирасига муҳрлайди. Шундай видеотасвирини "Телеграм" орқали Ф.Эгамовнинг таниши Дилмурод Махмудов-

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигидан 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Светлана АРТИКОВА

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Замира ЭСОНОВА

Олим ҲАЙИТОВ